



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 29 май, № 108 (4771)

Жума

ЎЗБЕКИСТОН — БРАЗИЛИЯ ҲАМКОРЛИГИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Бразилия Федератив Республикаси Президенти Луис Инасиу Лула да Сильванинг таклифига биноан 27 май куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.



Бразилия, 28 май. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).

Олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Бразилиянинг давлат мадҳиялари янгради. Давлатимиз раҳбари шарафига замбараклардан 21 марта ўқ узилди. Ислам Каримов фахрий қоровул сафи олдида ўтди.

28 май куни Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Бразилия Президенти Луис Инасиу Лула да Сильванинг музокаралари бўлиб ўтди.

Президентларнинг мулоқотида Ўзбекистон — Бразилия муносабатларига доир масалалар, минтақавий ва халқаро аҳолияга молик муаммолар юзасидан атрафли фикр алмашилди.

Ислам Каримов Ўзбекистон Лотин Америкасининг ушбу етакчи мамлакати билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

Луис Инасиу Лула да Сильва Бразилия Марказий Осиёдаги етакчи давлат бўлган Ўзбекистонни ўзининг ишончли ҳамкори, деб билишини қайд этди.

Ўзбекистон ва Бразилия ўз минтақасида муҳим ўрин тутадиган давлатлардир. Мамлакатимиз Марказий Осиё умумий бозорини барпо этиш ташаббусини илгари сурган. Бразилия — Меркосурнинг (Жанубий Америка умумий бозори) энг ривожланган ва иқтисодий жиҳатдан қудратли давлати. Ўзбекистон — Марказий Осиёда ядро қуролидан холи худуд барпо этилишининг ташаббускори. Бразилия Лотин Америкасида ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага қўшилган. Ўзбекистон ҳам, Бразилия ҳам БМТни ислоҳ қилиш, унинг халқаро муаммоларни бар-тароф этишидаги ўрни ва аҳамиятини оширишни ёқлайди, «кўп қутбли дунё» тамойилини қўллаб-қувватлайди. Терроризм, экстремизм, нарқобизнес, уюшган транснационал жиноятчилик каби таҳдидларнинг олдини олиш, бу иллатларга қарши курашишда халқаро ҳамкорликни кучайтириш борасида икки мамлакат раҳбарлари ҳамфикр.

Мамлакатларимиз халқаро майдонда бир-бирини ёқлаб, таклиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаб келади. Ўзбекистон турли йилларда БМТ органларида Бразилия номзодларини ёқлаган. БМТда Ўзбекистонга оид масалалар муҳокамага қўйилганда эса Бразилия мамлакатимиз нуктаи назарини қўллаб-қувватлаб келган.

Иқтисодий соҳада ҳамкорликни деярли барча соҳаларда ривожлантириш учун яхши омиллар бор. Бразилия ҳам илгари аграр, хом ашё экспорт қилувчи мамлакат бўлган. Ҳозирги кунда унинг экспортдан қаҳва, соя, шакар, апельсин, темир рудаси, пўлат ва шулар қаторида авиация техникаси, автотранспорт, электроника буюмлари, пойабзал, тўқимачилик маҳсулотлари жой олган. Ялпи ички маҳсулот ҳажми

(1,8 триллион АҚШ доллари) жиҳатдан Бразилия Лотин Америкасида биринчи ўринда туради. Саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 40 фоизга яқин, қишлоқ хўжалигининг ҳиссаси эса 10 фоиздан ошмайди.

Бразилия ўтган асрнинг 90-йилларида иқтисодий ислохотларни амалга ошириб, хусусий секторни ривожлантириш, қулай сармоявий муҳит яратди, пул-кредит ва солиқ сиёсатини қайта қўриб чиқди, кенг қўламли хусусийлаштириш жараёнини бошлади. Мамлакатда йўл-транспорт коммуникациялари ва шаҳарлар инфратузилмаси ҳам айни шу даврда кенг ривожланди.

Кейинги йилларда энергия манбаларига талаб ортгани туфайли Бразилия этанол ишлаб чиқариб, уни экспорт қила бошлади. Бу соҳадан келаётган даромад йилига ўртача 600 миллион АҚШ долларини ташкил қилади. Бошқача айтганда, Бразилия нефть-газ ва нефть кимёси соҳаси баробарида, мўқобил энергия манбалари ишлаб чиқаришда ҳам катта тажрибага эга.

Қишлоқ, хўжалигида янги техника ва технологияларни қўллаш натижасида Бразилия шакарқамиш ва апельсин етиштириш бўйича дунёда биринчи ўринга чиқди. Жаҳонда етиштирилган қаҳванинг 35 фоизи шу мамлакат ҳиссасига тўғри келади.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида босиб ўтган ривожланиш йўли, ислохотларни амалга оширишда қандай соҳалар устувор этиб белгилангани таҳлил қилинса, Бразилия билан бир қатор ўхшашликлар кўзга ташланади. Бир мисол: икки мамлакат ҳам хом ашё базаси ва зифасини ўтаган мамлакатдан тайёр маҳсулот экспорт қилувчи давлатга айланди ва экспорт-да саноатнинг улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Шуларни инобатга оладиган бўлса, Ўзбекистон билан Бразилия самолётсозлик, машинасозлик, нефть кимёси, тўқимачилик, кўнчилик соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришнинг улкан имкониятларига эга, деб бемалол айтиш мумкин. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сайёҳлик, транспорт, геология-разведка, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш каби яна қўлаб соҳаларда ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ.

Ўзбекистон Бразилия учун нафақат Марказий Осиё, балки

МДХнинг кўплаб мамлакатлари учун ҳам кўприк вазифасини ўташи мумкин. Навоий шаҳридаги қишлоқлараро интермодал логистика маркази бунга яхши мисол бўла олади. Маълумки, МДХ-да ягона бўлган мазкур марказ Корея Республикаси билан ҳамкорликда барпо этилмоқда. Жанубий Корея эса Ўзбекистоннинг ҳам, Бразилиянинг ҳам стратегик шеригидир. Бу жиҳатдан қараганда, шу йилнинг май ойи бошида Тошкентда Ўзбекистон — Корея саммити бўлиб ўтгани ва энди Бразилида Ўзбекистон — Бразилия саммити бўлаётганида мантиқий боғлиқлик бор.

Ислам Каримов ва Луис Инасиу Лула да Сильва Ўзбекистон билан Бразилия ўртасидаги муносабатларга оид масалаларни кенг муҳокама қилдилар. Президентлар Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари, Афғонистондаги вазият, Лотин Америкасидаги жараёнлар хусусида фикрлашдилар. Президентлар, шунингдек, халқаро молиявий-иқтисодий инқироз, унинг таъсирини камайтириш, оқибатларини енгилаштириш ҳақида фикр алмашдилар.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси билан Бразилия Федератив Республикаси ўртасида Қўшма декларация қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Бразилия Федератив Республикаси ҳукумати ўртасида техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги, савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги, маданий ҳамкорлик тўғрисидаги, дипломатик паспорт эгаларининг визасиз кириб-чиқиши тўғрисидаги, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳамда сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Шунингдек, икки мамлакат вазирлик ва идоралари ўртасида ўзаро ҳамкорликка оид бир қатор ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шу кун Бразилия Миллий конгрессига ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбари Бразилия парламенти фаолияти билан танишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Бразилия Федератив Республикасига расмий ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА).
Сарвар ҲУМОЛОВ
олган сурат.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласига устувор вазифалардан бири сифатида эътибор бериб келинмоқда. Ушбу эзгу мақсадни амалга ошириш йўлида жисмоний тарбияни оммалаштириш, болалар спортини ривожлантириш, нафақат шаҳарларда, балки олис қишлоқ жойларда ҳам замонавий спорт иншоотларини барпо этиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

ЁШЛИК, КАМОЛОТ ВА ШИЖОАТ БАЙРАМИ

Бугун Гулистон шаҳрида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари — 2009» спорт мусобақалари республика босқичи бошланади.

Дунё мамлакатларида ўқувчи ва талаба ёшларнинг турли спорт мусобақалари мавжуд. Аммо уларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этишнинг уч босқичли тизими ҳеч бир давлатда учрамайди. Бундай ҳаракатга илк бор Ўзбекистонда асос солинди ва у илчиллик билан олиб борилмоқда. Бир неча йил муқаддам Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида ҳаётга татбиқ этилган мазкур оммавий спорт ҳаракати — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» мусобақалари бугун бугун дунё жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилмоқда. Уч босқичли тизимнинг дастлабкиси — «Умид ниҳоллари» уйинлари умумтаълим мактаблари ўқувчиларини қамраб олади. У ёшларни курашда чиниқти-

риш, галабага бўлган иштиёқларини оширишга хизмат қилади.

«Умид ниҳоллари — 2009» спорт уйинларига Сирдарё вилояти мезбонлик қилапти. Маълумотларга кўра, финал-гача бўлган босқичларда мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларининг 4 499 369 (1 798 638 нафар қизлар) нафар ўқувчи қатнашди. 2006 йили Қашқадарё вилоятида ўтган «Умид ниҳоллари» мусобақасининг саралаш босқичларида 4 248 246 нафар ўғил-қиз иштирок этганини ҳисобга олсак, бу сафар ёшлар сафининг сезиларли даражада кенгайгани, жисмоний тарбия ва спортнинг ўқувчилар орасида торабор оммалашиб бораётганига яна бир қарра амин бўламиз.

(Давоми 3-бетда).

«УМИД НИҲОЛЛАРИ»

Ёшларни эзгу мақсад йўлида бирлаштиради, қамол инсон қилиб тарбиялайди

Гулистон шаҳрида «Умид ниҳоллари — 2009» спорт мусобақаларининг байрамона шукуҳи ҳукм сурмоқда. Қўчаларга ўрнатилган паннолар, баланд иморатлар пештоқда хилбар турган байроқлар, гулгара бурканган ҳибоблар, қўйингли, барча-барчаси ана шу қизгин ва ҳаяжонли беллашулар руҳини акс эттириб турибди. Одамларнинг юз-қўлидаги қувончини айтаётганимизми? Ким билан сўхбатлашсан, шаҳарнинг ойд бўлганидан, ҳар тараф фажуу тароватга бурканиб, бир-биридан қўрқам мажмуаларнинг бунёд этилиб, ёшларга ҳаёт қилинаётганидан сўз очади.

Улар орасида биров невараси ёхуд фарзанди, биров синглиси ёки укасининг мусобақаларда иштирок этишидан чексиз фахр ва ифтихорда эканини ҳам билдиради.

Қўларини дуога очган кекса отахону онахонлар эса юртимиздаги мана шу тинчлик ва осийшталлик кўз тегмаслигини, ёшларга гамхўрлик қўрсатаётган Юрт-

босимиз ҳамиша соғ-саломат бўлишларини тилаб, ният қилишди.

Биз «Умид ниҳоллари — 2009» спорт уйинларининг республика финал босқичи бошланиши арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз билан учрашганимизда, худди шу мазмундаги дил ихборларини эшитдик.

(Давоми 3-бетда).

Фахр

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН МУЛОҚОТЛАР

Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламентига мувофиқ, қуйи палата депутатлари сайловчилар билан учрашулар ўтказмоқдалар. Қизгин мулоқотларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор масалалар бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Шу ҳақда мухбирларимиз хабар берадилар.

БЕРУНИЙ туманида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Бахтиёр Кўшакеев ўз сайловчилари билан учрашди.

Учрашувда депутат парламент ҳаётида рўй берган энг муҳим воқеалар, ўзгаришлар ва қонунлар тарғиботи бўйича сайловчиларга тўлиқ ахборот берди. Шунингдек, у молиявий-иқтисодий инқирознинг таъсири ва салбий оқибатларини бартараф этиш, юзага келган мураккаб шароитдан чиқиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар хусусида йиғилганларга гапириб берди. Бу

Депутат ва ҳаёт

(Давоми 2-бетда).

Мамлакат бўйлаб

«ISUZU» хизматидан ҳамма мамнун

Қарши шаҳрида Самарқанд автомобил заводида ишлаб чиқарилган «Isuzu» русумли автобуслар қатновни йўлга қўйди.

Бу янгиликнинг эътиборга молик томони шундаки, бир неча йиллардан бери барча йўналишлар хусусий микроавтобусларга бериб қўйилган эди. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги қарашли 2529-давлат унитар автокорхонасининг автобуслари эса йўловчилар учун қўлай ва арзон.

«Узавтосаноатлининг» компанияси ёрдамида лизингга 30 та «Isuzu» автобусларини сотиб олдиқ, — дейди корхона раҳбари Нажмиддин Азимов. — Ҳозирча шаҳарнинг марказий қисмидаги 1-йўналишда хизмат қўрсатаймиз. Яқин орада яна иккита серкатнов йўналишида автобус қатновини йўлга қўйишни режалаштираямиз.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Пахтабодда меҳнат ярмаркаси

Пахтабод туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланимоқда. Илгор технологиялар билан жиҳозланган саноат корхоналари сонини эса тобора кўпаймоқда.

Чунончи, «Маданияттекстиль», «Пахтабод шифер» корхоналарининг ишга туширилиши, «Вагон ремонт» ҳиссадорлик жамиятида янги қувватларнинг ўзлаштирилиши қўшимча иш ўринлари яратилишига замин ҳозирламоқда. Туман прокуратураси ва бандликка қўмақлашувчи марказ томонидан ташкил этилган меҳнат ярмаркасида 28 та

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қайта ишлаш корхоналари кўпаймоқда

2009 йилнинг биринчи чораги якунларига кўра, қишлоқ жойларда



янги қайта ишлаш корхонаси бунёд этилди.

Замонавий минитехнологиялар ва ихчам ускуналар билан жиҳозланган ана шу корхоналарда эндиликда ўзимизда етиштирилган мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотлари қайта ишланиб, истеъмолчиларга етказиб берилди.

БИР РАҚАМ ШАРХИ

Жорий йилда Навоий вилоятининг соғломлаштириш оромгоҳларида ўн етти мингдан зиёд болалар хордиқ чиқариб, ўз саломатликларини тиклайдилар.

Ёзги мавсумга ҳозирлик

Ушбу мавсумда Томди туманидаги «Арай», Қизилтепа туманидаги «Дўстлик» ва «Имкон» оромгоҳларида 840 нафар ўғил-қиз хордиқ чиқариш мақсадида фермерлар билан шартномалар имзоланди.

«Электромим» корхонасига қарашли «Камолот» сихатгоҳида ишчиларнинг 300 нафар фарзандлари мароқли дам олишларига

Х. ШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Нисон манфаати йўлида

Пахтакор тумани аҳолисининг 70 фоиз қишлоқларда яшайди. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилда олис қишлоқларда инфратузилмани ривожлантириш асосида аҳоли турмуш тарзини юксалтириш учун 15 миң квадрат метр ҳажмдаги уй-жай қўриш кўзда тутилган.

Йилнинг ўтган 4 ойида туманда 7,5 миң квадрат метр турар-жай қўриб битказилди. 6 километр узунликдаги янги газ қувурлари тортилиб, 200 дан ортққ хонадон табиғий газ билан таъминланди. 1,6 километр жойга ичимлик суви қувурлари ўрнатилди. Туман қишлоқларидаги эскирган газ ва сув қувурларини алмаштириш, электр линияларини таъмирлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилапти.

Б. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига номзодлар

Адабиёт дунёсига ўзига хос ҳикоя ва қиссалари, бетақдор адабий қаҳрамонлари билан кириб келган Эркин Аъзам бугун миллий сўз санъатимизнинг эътирофга сазовор намоёндаларидан бирига айланди.

ҲАЁТ БУЛОҒИДАН БАҲРАМАНД ИЖОД

Гарчи бу асарлар турли жанрларга оид бўлса-да, моҳиятан бир-бирига боғлиқ. Айни бизнинг замонамиз қаҳрамонларининг ҳаётий образи яратилгани уларнинг муштарак хусусиятидир.

асарга айланган эъзучининг ҳаёти шундан кейин бутунлай бошқа изга бурилиб кетади. Раис унга ер, бог ҳада қилади. Эвазига "раис буваининг кемишномаси ялтирабгина китоб бўлиб чиқади".

Бинобарин, ижодкорнинг ижодкорлиги ҳам шунда: маҳоратли адиб айтмай туриб ҳам айта олади, тафсилотларга берилмай туриб ҳам ўқувчига кўп нарсани етказиб билади.

насиҳат ўқимади, баёнчиликка берилмайди. Сўзларни зарғарона ишлатади. Бирор сўз ёки жумла ортқича ё кам эмаслиги, адиб услубининг раволиги ҳам бунинг тасдиқлайди.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

САФАРДАГИ УЧ ҒАЛАБА

Осиё чемпионлар лигаси ва кубогига юртимиз шарафини ҳимоя қилганга учала жамоамиз — "Нефтчи", "Бунёдкор" ва "Пахтакор" минчорак финал учрашувларини ғалаба билан якунлаб, миллионлаб футбол ишқибозларига олам-олам қувонч улашди.



О. ЗИЁЕВ.

Миладинович томонидан бошланган ҳужумни Зайниддин Тожиев муваффақиятли якунлаб, ҳисобни тенглаштирди — 1:1. Ҳакам томонидан қўшиб берилган дақиқаларда Александр Гейрих жарима зарбасини моҳирона тарзда рақиб дарвозасига йўллади ва "Пахтакор"ни олдинга олиб чиқди — 1:2.

Шу ўринда айтиш жоизки, жамоаларимиз ўшбу босқичга чиққанларидек, барчамиз бирдек хурсанд бўлгандик. Лекин уларнинг бирортаси ҳам ўз майдонда ўйин ўтказмаслигини (гурӯҳларда иккинчи ўринни эгаллашгани боис) билган, тўғриси, бир оз бўлса-да, хавотирга тушгандик.

ОФК кубогига қатнашаётган "Нефтчи" Сурияда "Ал-Махид" жамоасини 1:3 (ўн бир метрлик жарима тўплари сериясида) ҳисобда мағлубиятга учраиб, кўнгилларимизга ёруғлик олиб кирди.

"Бунёдкор" Техрон шаҳридаги "Озоди" стадионига қарий 100 минг нафар маҳаллий ишқибоз кўз ўнгидеги "Пирӯзи" жамоасини турнирдан чиқариб юборди. Аслида шунча муҳлиснинг қўллаб-қувватлаб туриши ҳар қандай футболчини руҳлантириши табиий.

Бирок 41-дақиқада Ривалдонинг ўн бир метрлик жарима тўпидан киритган ягона голи учрашув тақдирини (0:1) ҳал қилди. "Пахтакор" эса сафарда Саудия Арабистонининг "Ал-Иттифок" жамоаси меҳмони бўлди. 33-дақиқада мезбонларнинг ганалик ҳужумчиси Принс Таго ҳимоячидан Фулом Уруновнинг кўпол хатосидан сўнг ҳисобни очди — 0:1. Бу ҳолат ўйинни телевидение орқали тўғридан-тўғри кузатаётган юртимиздаги барча ишқибозлар кўнглига бир оз хавотир солган бўлиши аниқ. Лекин "Пахтакор" мураббийлари суст ўйин кўрсатаётган Фулом Урунов ўрнига Шерзод Каримовни майдонга туширишди. 43-дақиқада эса Фарҳод Тожиев акаси Зайниддин Тожиев билан алмаштирилди. 79-дақиқада Боян

қандай футболчини руҳлантириши табиий. Бирок 41-дақиқада Ривалдонинг ўн бир метрлик жарима тўпидан киритган ягона голи учрашув тақдирини (0:1) ҳал қилди.

"Пахтакор" эса сафарда Саудия Арабистонининг "Ал-Иттифок" жамоаси меҳмони бўлди. 33-дақиқада мезбонларнинг ганалик ҳужумчиси Принс Таго ҳимоячидан Фулом Уруновнинг кўпол хатосидан сўнг ҳисобни очди — 0:1.

ЁШЛИК, КАМОЛОТ ВА ШИЖОАТ БАЙРАМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Гулистонда вилоят босқичларида голиб чиққан 1792 нафар спортчи-ўқувчи баъдий гимнастика, кўл тўпи, сузиш, футбол, волейбол, енгил атлетика, шахмат, стол тенниси, спорт гимнастикаси, баскетбол, кураш ва белбоғли кураш каби спортнинг ўн икки тури бўйича ўзаро беллашдилар.

ри — 2009" спорт ўйинларининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари бўлиб ўтказилган "Ёшлик" марказий стадиони, "Алпомиш" спорт маркази капитал реконструкциядан сўнг бутунлай бошқача кияфа касб этди. Янги барпо этилган Болалар спорт мажмуаси Гулистон шаҳрига ўзгача кўрк бағишлади. Ушбу мухташам мажмуада спортнинг ўндан ортиқ тури билан шугулланиш учун барча имкониятлар яратилган. Мусобақа дастурдаги баскетбол

(ўсмирлар) Гулистон тиббиёт коллежиде, баскетбол (қизлар), шахмат Гулистон давлат университетиде, волейбол (ўсмирлар ва қизлар), баъдий гимнастика "Алпомиш" спорт марказида, кўл тўпи ("Ўсмирлар"), енгил атлетика ("Ёшлик" марказий стадиониде, кўл тўпи (қизлар), футбол, сузиш Гулистон шаҳар болалар спорт мажмуасида, стол тенниси Гулистон курилиш коллежиде, кураш ва белбоғли кураш "Динамо" спорт залида, спорт гимнастикаси эса

Гулистон I-академик лицейида бўлиб ўтади. Низоми мувофиқ, мусобақалар ҳалқаро Олимпия талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказилади. Холислик, ҳалоллик, адолат, ўзаро дўстлик, тотувлик каби Олимпиада қадриятлари маъzur тизимдаги спорт ўйинларининг доимо бош мезони бўлиб қолади. Камолот, шижоат ва гўзаллик байрами барчангизга муборак бўлсин, азиз ёшлар! Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«УМИД НИҲОЛЛАРИ»

ёшларни эзгу мақсад йўлида бирлаштиради, комил инсон қилиб тарбиялайди

(Давоми. Боши 1-бетда).

Абдунаби МУСТАФОҚУЛОВ, Ширин шаҳридаги 4-умумтаълим мактаби директори, "Меҳнат шухрати" ордени ва "Шухрат" медали соҳиби: — Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор самарасини нафақат шаҳарларда, балки олис қишлоқларда ҳам кўриш мумкин. Хусусан, биз истиқомат қилаётган чекка — Нуробод маҳалласида мустақиллик шарофати билан мухташам мактаб биноси ва замон талабларига тўла жавоб берадиган спорт мажмуаси бунёд этилди. Ёшларимиз бу ерда малакали мураббийлар қўли остида спортнинг ўнлаб турлари билан шугулланишди. Бу эса уларнинг жисмонан ва маънан соғлом бўлиб вояга етишларида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Қувонарли жиҳати, бу галги "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларида мактабимиз вакили ҳам иштирок этади. Шу-

нинг ўзиёқ давлатимиз томонидан олиб берилган оқилона сиёсатнинг барча жойларда буй кўрсатаётганига оддий бир мисолдир. Екатерина ХИЛЬКО, Пекинда ўтказилган XXIX ёшги Олимпиада ўйинлари бронза медали совриндори, "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони соҳиби:

— Пекин Олимпиадасида совриндорлар каторидан жой олишимнинг жуда кўп асослари бор. Бунинг мен, аввало, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида спортни ривожлантириш мақсадида қилинаётган саъй-ҳаракатларнинг амалий ифодаси, деб биламан. Мусобақаларда қатнашиш учун дунёнинг жуда кўп давлатларида бўлганман ва шу боис у ердаги спорт иншоотларида яратилган шароит ҳамда имкониятлардан яхши хабардорман. Айтиш мумкинки, бизда қурилаётган спорт мажмуалари ҳеч бир жиҳати билан улардан қолишмайди. Аксинча, бошқа мамлакатларда

учрамайдиган уч босқичли тизим — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" спорт мусобақаларининг йўлга қўйилгани яқин келажақда Ўзбекистон халқаро турнирларда барчага ўрناк бўла олишидан дарак беради. Сирдарёда бўладиган "Умид ниҳоллари — 2009" спорт ўйинларининг барча иштирокчиларига омад тилайман. Ишончим комилки, улар орасидан Ватанимиз байроғини нуфузли мусобақаларда баянд кўтарадиган спортчилар етишиб чиқади. Сарвиноза ҚУРБОНБЕКОВА, Боевут туманидаги 9-мактаб ўқувчиси:

— Шахмат бўйича бир неча бор Ўзбекистон чемпионилигига эришганман. Осиё чемпионати кумуш медали совриндориман. Ушбу ютуқларимда мамлакатимизда ташкил этилган нуфузли турнирлар, хусусан, "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларининг алоҳида ўрни бор. Қарши шаҳри мезбонлик қилган "Умид ниҳоллари — 2006" мусобақаларида ҳам қатнашгандим. Утган вақт мубайнада устозларим кўмағида тажрибамни янада оширдим. Эндиги мақсадим — Гулистонда ҳам муваффақиятли иштирок этиб, голиблар сафидан жой олиш.

Шавкат ОРТИҚОВ, Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ.

КОМПАНИЯЛАР ВА ФИРМАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА! ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ кредит ахбороти алмашинуви тизими учун сервер ускуналарини етказиб бериш ва ўрнатиш бўйича танлов эълон қилади. Танлов шартлари ва маълумотлар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳқўчаси, 6-уй. Телефон: 233-70-38. Тел./факс: 233-83-41.

асар даражасида ёзилган. Уларда инсон тақдирини нақадар мураккаблиги, кўнгли деганлари ҳар доим ҳам одамнинг измида бўлмаслиги, бу ёруғ оламда, энг муҳими, инсонийликни сақлаб қолиш экани оҳорли баъдий талқин этилган.

Публицистик миниатюра-ларда адибнинг "Тафаккур" журнаliga дебеча сифатида ёзган ҳажман кичик, мазмунан салмоқли асарлари жамланган. Уларда адиб жамиятнинг фаол аъзоси, Ватан ва миллатнинг куюнчақ фарзанди сифатида намоён бўлади. Бу публицистик миниатюра-лар виждони уйғоқ адибнинг жамият маънавияти, Ватан ва миллат юксалиши ҳақидаги орзу-ўйларини муҳассам этгани билан аҳамиятлидир.

Умуман, Эркин Аъзамнинг "Жаннат ўзи қайдадир" китоби замондош ёзувчининг турли жанрлардаги теран баъдий асарларини жамлагани, ўқувчини мушоҳадага, фикрлашга ундаши, кичик жанрнинг катта имкониятини намоён эта олиши жиҳатидан ҳам адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилганини эътироф этиш керак. Ана шу фазилатларига кўра ҳам бу китоб давлат мукофотига лойиқдир.

Нурбой ЖАББОРОВ, филология фанлари доктори, профессор.

ZS-AG VERNATURAL Швейцариянинг «ZS-AG International» фирмаси Ўзбекистоннинг «Vernatural LLC» фирмаси билан ҳамкорликда Наслдор қорамолларнинг қуйидаги зотларини таклиф этади: Свисс Браун (Swiss Brown) Иссиқ иқлимга чидамликлик, сут сифатининг юқори кўрсаткичлари Флекфи (Fleckvieh) Яйловларда боқишга яхши мослашувчан, сут беришда юқори маҳсулдорлик Холштайн (Holstein) Сут беришнинг ўта юқори маҳсулдорлиги Компания Ўзбекистонга чорва моллари экспорт қилишда катта тажрибага эга. Етказиб берилганидан сўнг кенг қўламда малакали сервис хизматларни ташкил этади: мақбул озиклантириш учун озуқа таҳлили; фермани бошқаришда консалтинг хизматлари; селекция дастурлари ва бошқалар. Тошкентда мулоқот учун: тел.: (998 71) 276-96-26, факс: (998 71) 276-97-06, E-mail: vernatural@inbox.ru

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрдаги «2005-2009 йилларда умумтаълим мактабларини мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги 493-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, тендер комиссияси томонидан 2009 йилда умумтаълим мактабларини мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомларини харид қилиш бўйича ўтказилган тендер савдоси натижасига кўра, тендер савдоси голиби бўлган корхона ва ташкилотлар рўйхати эълон қилинади.

Table with 4 columns: T/p, Корхона ва ташкилотларнинг номи, Лотлар, Жойлашув манзили. Lists various companies and their lot numbers for a tender process.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегия ва минтақаларро тадқиқотлар институти жамоаси институти ходими Мурод Раҳимовга падари бузувчиси АБДУЛЛА отанинг вафоти этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади. "Инсон ва қонуи" газетаси тахририятини жамоаси газета бош муҳаррири ўринбосари Шухрат Носировга ўғли Фарҳоджон НОСИРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдирадн. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини жамоаси Ўзбек тили кафедраси катта ўқитувчиси Гулчехра Аббосовага отаси Қосим РАСУЛОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

«Табиат обидалари»

уни асраб-авайлаш эзгуликдир

Табиатда нимаки бўлса, унинг ўз ўрни бор. Ҳатто бу гийҳнинг йўқлиги яшил оламдаги мувозанатнинг бузилишига олиб келиши мумкин. Негаки, наботот дунёсида ўсимликларнинг ривожини, бамисоли занжир ҳалқасидек, бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлиб, улар яхлит экотизимни ташкил этади.



кўпайтиришга бел боғлаган табиат шайдолари ҳам кўпайиб бормоқда. «Замона Рано» хусусий корхонасини олайлик. Бу корхона жамоаси томонидан қарийб 10 гектар майдонда 9 турдаги доривор ўсимликлар етиштирилиб, саноат усулида қайта ишланаяпти ва замонавий технологиялар асосида қадқолланган ҳолда истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Шу билан бирга, табиат қонунчилигини кўпол равишда бузаётганлар ҳам йўқ

эмас. Ўтказилаётган рейдлар чоғида бунга кўп бор дуч келаяптимиз. Дарҳақиқат, Давлат бионазорати томонидан ўсимлик ва ҳайвонот дунёси муҳофазасига доир тегишли ҳужжатлар ихроси юзасидан изчил чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Унинг доирасида рейдлар уюштирилмоқда. Бироқ бу саъй-ҳаракатларга қарамай, ҳуқуқбузарлар сони ортиб бораётгани ташвишланарлидир. Айтайлик, 2007 йилда 7328 та қонунбузилиш ҳолати аниқланган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 7707 тага етган. Бунинг оқибатида табиатга биргина 2008 йилда 276829,0 минг сўм зарар етказилган. Кейинги вақтларда, айниқса, ўсимликларга таъжубовир бир-мунча кўпайган. 2008 йилда 4641 та бундай ҳолат қайд этилган. Ҳатто аниқларидир. Масалан, 2007 йилда ўрмон фонди ҳудудларида даррахтларни кесиб қаби 16 та қонунбузарлик аниқланган бўлса, 2008 йилда бундай номақбул

Назорат

Ҳатти-ҳаракатлар 68 ҳолатда қайд этилди. Республика бўйича ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига етказилган зарар деярли тўлиқ ундирилди, бундан ташқари, қондубузарлар 129268,7 минг сўм жаримага тортилиб, 372 та қурол ва 1356 та тўр олиб қўйилди. Бу ҳам майли-я, масаланинг бошқа томони кишини ўйлантиради. Мутахассисларнинг айтишича, тоғларда бир туп даррахтнинг соя ташлағудек бўлиши учун қамиди 15-20 йил вақт керак бўлар экан. Эҳтимол, кесиб кетилган бодом, арча ва бошқа даррахтлар ўрни ўрмончиларнинг кўмағида минг бир машаққатлар билан қайта тикланар. Аммо йўқотилган ноёб ҳайвонлар-чи? — Браконеерликка қарши курашишни янада кучайтириш ҳамда биологик ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида 2009-2011 йилларга мўлжалланган қўшма тадбирлар режаси ишлаб чиқилгани айтиш мумкин бўлди, — дейди Давлат бионазорати бошлиғи

Ўзбекистон лоласи

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Ботаника» боғида лоланинг 60 га яқин хили парваришланади. Бироқ табиий ҳолда ўсувчи лолалар кўриниши, нафислиги, бир сўз билан айтганда, гўзаллиги билан ажралиб туради. Шу боис юртдошларимиз баҳор келиши билан тоғларга ошиқдилар. Алвон тусли лолаларни кезиб, олам-олам завқ оладилар. Маълумотларга қараганда, Ўзбекистон табиатида ёввойи лоланинг 25 тури ўсади. Бу ажойиб гуллар, асосан, адирликлар, тошли ва чағир тошли қияликларда илдиқ олади. Эътиборлики, улар эндем тур ҳисобланади, дунёнинг бошқа жойларида учрамайди. Ҳатто ранги, гул шакли ва тузлишига кўра тубдан фарқланади. Юртимизда биргина қизил лоланинг бир неча туслилари мавжуд. Аммо аҳоли томонидан лолаларнинг ҳаддан ортиқ кўп терилиши ва лолаларда қорва молларнинг боқилиши оқибатида уларнинг тури тобора камайиб бормоқда. Баъзилари йўқолиб кетиш хавфи остида. Ўзбекистон лоласи — шулардан бири. — Мазкур камёб, эндем тур Помир — Олой тоғ тизмаларининг жануби-ғарбида, шунингдек, Қуруқдағана тоғи, Толли довоида (Қашқадарь вилояти) тарқалган. Ўзбекистон лоласининг бўйи 10-20 сантиметрга етди, барги 3 та. Гули қизил, сарик гардишли бўлиб, туби тўқ кўнғир рангли. Табиатда яқка ҳолда учрайди. Мамлакатимиз олимлари уни 1967 йилда маданийлаштиришга муваффақ бўлган эди. Ҳозирда бу гуллар «Ботаника» боғида ўстирилади. Ўзбекистон лоласи давлатимиз томонидан алоҳида муҳофазасига остига олиниб, «Қизил китоб»га киритилган.

Масалан, тошларга тирмашиб ўсан листа ва бодом даррахтлари қияликларни ювилиб кетишдан асраша, арчазорлар илдиқи атрофида кўп миқдорда сув тўплаб, тоғлардаги биохимия-хиллиқни таъминлашга хизмат қилади. Мутахассисларнинг айтишича, арчазорлар кесиб кетилган ҳудудларда ҳатто чашмаларнинг ҳам қуриб қолгани кузатилади. Шу боис мамлакатимизда маданий ўрмонзорлар барпо этиш билан бирга, табиий ўрмонлар, ёввойи ўсимлик дунёсини асрашга алоҳида эътибор қаратиш керак. Айниқса, мустақиллик йилларида шу мақсадларга қаратилган кўп қўшулар қабул қилиниб, уларнинг иж-

Беруний тумани халқ таълими бўлимига қарашли 25-ўрта мактаб Беруний ўрмон хўжалиги ҳудудидаги Толлик қишлоғида жойлашган. Мана, икки йилдирки, БМТнинг Ривожланиш дастури, Глобал экологик жамғармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг «Қорақалпоғистонда Амударё ҳавзасидаги ўрмонларни сақлаб қолиш ва муҳофазаланидиган ҳудудлар тизимини мустаҳкамлаш» лойиҳаси асосида мазкур мактаб билан яқин алоқа ўрнатилган.

ОНАЖОНИМ — ТАБИАТ

Оролбўйида экосўқмоқ

— Яқинда ушбу лойиҳа доирасида ўтказилган «Экологик сўқмоқлар» мавзусидаги семинар-тренингда ҳамкорликнинг самараси яққол кўзга ташланди, — дейди мактаб директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Н. Шимбергенова. — Гап шундаки, мактабимиз ўқувчиларининг экологик мавзудаги чиқишлари тадбир иштирокчиларининг эътиборига сазовор бўлди. Ўқувчи ва ўқитувчилар кимматбахшо совғалар билан тақдирланди. Мактабимизда фаолият кўрсатаётган «Экологик марказ» ёш авлодда она-табиатга меҳру муҳаббат уйғотмоқда. Толлик қишлоғидаги ўрмонзорда экологик сўқмоқлар барпо этилган. Бу сўқмоқ 9 та станциядан иборат бўлиб, ҳар бири ўз номига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига эга. Бундай савий-ҳаракатлар, айниқса, ёшларимиз қалбида ҳайвонот ва наботот дунёсига меҳру уйғотишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мўъжиза

Хоразм воҳасининг «Тупроққалъа» мавзусида Миср эҳромларини эсла-тувчи «Уч ўчоқ» тепалиқлари мавжуд. «Бу «пирамида»лар қачон пайдо бўлган?» деган савол ўлкашунос олимларини кўндан кели қизиқтириб келади. 2000 йилнинг август ойида Халқаро «Олтин мерос» жамғармаси бу тепалиқларга кичик илмий экспедиция уюштириб, шу саволга жавоб топишга уринди.

«Уч ўчоқ» эҳромлари

«Уч ўчоқ» тепалиқлари Урганч шаҳридан 240, Питнак шаҳарчасидан эса 140 километр шарқи-жанубий томонда жойлашган. Уларнинг баландлиги 80 метрдан ортиқ, устки қисми жануби-шимолига, ғарбдан шарққа қараб 32 метрга қўзилган. Эътиборлики, «пирамида»ларнинг кўриниши ҳам, баландлиги ҳам, устки сатҳи ҳам бир хил. «Уч ўчоқ»нинг шимоли-шарқий томони тоғ жинслари билан қопланган эсси баландлик бўлиб, ёнида ул-кан табиий ҳавза мавжуд. У анча чуқур бўлиб, катта майдонни эгаллаган. Оҳақтош излари қолган кирғоқ деворлари тахминан 40-45 метрга келади. Пастанд учтали пирамида янада жозибалироқ кўринади. Оёқ остидаги оқ рангли тупроқ худди туга ўхшайди. Тепалиқлар зардуштийлик дини ҳукмронлиги даврида оловхона, қабристон ёки хавф-хатарни англатувчи махсус макон бўлган, деган қарашлар мавжуд. Негаки, у бизгача «Уч ўчоқ» номи билан келган. Агар бу тепалиқлар сирин олимлар томонидан чуқур ўрганилиб, сайёҳлик гушарларидан бирига айлан-тирилса, фойдадан холи бўлмасди.

Мадрид ОТАЖОНОВ, Халқ таълими ошқочиси, маънат факрийси. Питнак шаҳри

Янгиқўрган туманининг тоғолди қишлоғи — Нанайнинг жонли ва жонсиз табиати жуда бой. Ҳавода чир айланган учётган жўрчи, савъа, бедана ва бошқа қушларнинг сайрашидан кўнгли яяраб кетади. «Подшоотасой» соҳилларидаги боғ ва чакалзорларда булбулнинг кўрганлар кўп. Сайёҳларнинг ақсарияти Нанайга ушбу сайроқни қушнинг наволарини тинглаш учун келади.

Булбул қачон сайрайди?

Биз ҳам ўтган йил ёзда қишлоқ ёнбағрига жойлашган «Кўксарой» оромгоҳида хордиқ чикарган чоғимизда булбулнинг овозини мароқ билан эшитдик. Бироқ сепрли овоз соҳибини дафъатан кўриш қийин. Мез-болларнинг айтишига қараганда, у одамга кўринмас экан. — Менинг боғимда шахарлик бир отахон дам олди, — деди навайликлардан бири сой томонга ишора қилиб. — Нафаси кичик, юраги синилар экан. Айтишча, шифобахш хавомида булбул нағмасидан даво топибди. — Тонг отиб, қўёш тоғ чўққинида нур сола бошлади. Биз паст овозда сўқбатлашиб, булбул хонишдан баҳра олаётган эдик. сигнални бобиллатиб, келин-қўвларнинг машиналар карвони ўтди. Булбул анча муддат чўққ этмади. Атроф тинч қолган, яна хониш қила бошлади. Бу гаройиб «базм»дан ночор узоклашдик, чунки майди ва «Зўрини эшитаман десангиз, тоғотмаси Сотимбой отанинг чонхонаси ёнидаги сўқмоқдан сой бўйига тушин», дея тайинлади.

Мафтункор қуш

— Ўзбекистонда 441 та қуш тури мавжуд, — дейди Бухоро давлат университети Биология кафедраси мудири, профессор Савриддин Бақоев. — Вилоятимизда эса уларнинг тури 325 та. Бари она-табиат, жумладан, чўл экотизимининг ажралмас бир бўлағидир.

Мана, йўрға тувалоқни олиб кўринг. Жуда ноёб саналган бу қуш тез югуради. Вазни 1,1-2,5 килограмм атрофида. Фақат чўлда учрайди. Яширинишга уста. Туси тупроқранг бўлгани унга кўл келади. Шу боисдан уни овлаш овчилар ўртасида «санъат» саналган. Йўрға тувалоқ «Қизил китоб»га киритилган. Йўқолиш арасида турган ёввойи флора ва фауна турлари билан савдо қилиш ҳақидаги халқаро Конвенцияга мувофиқ, уни овлаш таъқиқланган. Жилвон, Қарнабчўл, Қарши чўлларида учрайдиган бу қушнинг ғалати одати бор: ин курмайди. Тухумини дуч келган ерга қўяди. — Воҳамизда уни хонақиллаштиришга ҳаракат қилиб кўришгани, — дейди С. Бақоев. — Аммо бу ури-нишлар кутилган натижага бермади. Ҳамма гап шундаки, йўрға тувалоқ бепоев чўлларимизда тухум қўйиб кўпайса-да, қишлоғани узок ўлкаларга учиб кетади. Бу қушнинг тарқалган жойи бир неча давлат ҳудудини қамраб олгани уни асраш ва кўпайтиришни мураккаблаштирмоқда.

Какликнинг ғалати одатлари

Қоратог этакларини қаричлаб чиққан геолог Баҳодирнинг какликлар ҳақидаги ҳикоясини мароқ билан тинглаймиз. — Какликлар сув ичиш учун тоғ-саҳардан чошгоҳча бўлган вақтда келишади. Улар булоққа икки юз метр қолганда ерга кўниб, илга тизилган маржондек, сув томон йўрғалаб кетади. Олдиндаги қуш сувни ичиб бўлган, иккинчиси булоққа тумшүқ қўяди. Улар бир-бирига халал бермай, галма-галдан чанқоқини қондиради. — Нега қушлар қор-ёмғирда хўл бўлмайди? — дея даврага савол ташлаган геолог ўзига ўзи жавоб беради. — Чунки олимнинг думи устида ёғ бези бор. Тумшүғи билан ундан бир-икки томчи олиб, патлари остига сўртади. Шу боис какликларга сув ўтмайди ва совқотмайди.

Хайрат

булбул овозини тинглаш учун мамлакатимизнинг узок-узок жойлардан келишади, — деди у. Ошпазнинг айтишича, булбулнинг «Подшоотасой»нинг юқори қисмидаги тоғ этакларида ёз, куз ва кишини ўтказди. Нозиктабиат қуш-чанинг исоникча, одамларнинг шовқин-суринига тоби-тоқати йўқ. Кимсасиз чака-лакзорларга ин кўриб, тухумидан полалон очади. Нақл қилишларича, булбул гунча очилишларича, булбул бўлиб, туни билан қўйлаб чиқармиш. Тонг отишда чарчаб, уйқу босиб, кўзи илинар экан. Кўзини очиб, гунчанинг очилганини кўраркан ва ғалфатда қолганидан куйиб-ёниб, тўлиб-тошиб яна хониш бошларкан...

Йўлдoshiли САМИЕВ. Наманган вилояти

Изланиш

Шу маънода, Тошкент вилоятида фаолият кўрсатаётган «Электратек Бирдас Брайдинг» масъулияти чекланган жамиятининг шохобчаси мақомига эга «Йўрға тувалоқ» кўриқ-хонаси ташкил этилгани айтиш мумкин. Пешку тумани ҳудудидида мазкур кўриқхона учун 400 гектар майдон ажратилган. Инкубация цехлари ишлаб турибди. Насиб этса, хали йўрға тувалоқлар бепоев чўлларимизда эмин-эркин учиб юрса, ажаб эмас.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Юртнинг яшил салтанати

— Вилоятимиз ҳудудидида 173980 гектар майдон ўрмон-тренингда ҳамкорликнинг самараси яққол кўзга ташланди, — дейди мактаб директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Н. Шимбергенова. — Гап шундаки, мактабимиз ўқувчиларининг экологик мавзудаги чиқишлари тадбир иштирокчиларининг эътиборига сазовор бўлди. Ўқувчи ва ўқитувчилар кимматбахшо совғалар билан тақдирланди. Мактабимизда фаолият кўрсатаётган «Экологик марказ» ёш авлодда она-табиатга меҳру муҳаббат уйғотмоқда. Толлик қишлоғидаги ўрмонзорда экологик сўқмоқлар барпо этилган. Бу сўқмоқ 9 та станциядан иборат бўлиб, ҳар бири ўз номига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига эга. Бундай савий-ҳаракатлар, айниқса, ёшларимиз қалбида ҳайвонот ва наботот дунёсига меҳру уйғотишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ўрмончилик

бу манзарали даррахт кўчати ўрмон хўжалиги таркибиди 9 та бўлим фаолият кўрсатмоқда. Китоб, Яқкабоғ, Жовуз, Дехқон-обод, Қамаш ўрмон хўжалиқлари ҳудудиди Зарафшон арчаси, дўлана, наъматақ ўсадиган табиий даррахтзорлар бор. Ўрмончилар уларни асраб-авайлаш билан бирга, ҳар йили 700-800 гектар майдонда янги ўрмонлар яратиб бормоқда. Тоғдаги ўрмонзорлар чинакам бойлик манбаидир. Экологик тоза мева ва доривор ўсимликлар, асл асал тоғда етиштирилади. Ўтган йили вилоят ўрмончилари 45 тонна мева, 5,5 тонна ёнғоқ, 1,5 тонна бодом, 1 тонна pista, 5,2 тонна асал тайёрлаганлиги ҳам бунинг исботидир. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 сентябрдаги «Япон софори ва сохта қаштан

Ҳозир тоғлардаги ўрмонларда иш қизгин. 600 гектардан ортиқ майдондаги ўрмоннинг очилиб қолган жойларига қўчат экилиб, минг гектар майдондаги янги экилган даррахтларга ишлов берилди.

Бўри НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 46571 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2, Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — Ф. Бўтаев.
Набатчи муҳаррир — У. Файзиёва.
Набатчи — Ф. Абдулов.
Мусахҳах — Х. Топхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.45 Топширилди — 01.55